



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



ПАРЕМИОЛОГИЯ: ЛИНГВОКУЛЬТУРНОЕ И ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ПОСЛОВИЦ И ПОГОВОРОК

Амануллаева Камола Муминовна

*DSc (независимый исследователь) в Самаркандском
государственном педагогическом институте
e-mail: miskamolka@yahoo.com*

ПАРЕМИОЛОГИЯ: МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ВА ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

Амануллаева Камола Муминовна

*Фан доктори (DSc), мустақил тадқиқотчи
Самарқанд давлат педагогика институти
e-mail: miskamolka@yahoo.com*

PAREMIOLOGY: THE LINGUOCULTURAL AND PEDAGOGICAL SIGNIFICANCE OF PROVERBS AND SAYINGS

Amanullaeva Kamola Muminovna

*DSc (Independent Researcher) at Samarkand State Pedagogical Institute
E-mail: miskamolka@yahoo.com*

Мақолалар - халқ ва маданиятини акс эттирувчи муҳим нутқ бирликлари ҳисобланади. Уларнинг тадқиқи дунёнинг кўплаб олимлар томонидан амалга оширилган. Масалан, А.Н. Афанасьев рус фольклорининг асосчиларидан бири бўлиб, халқ афсона ва мақолаларини тизимга солган, улуғ манба сифатида танилган. А.А. Потенбя мақолаларнинг халқнинг фикрлаш ва тил онги билан чамбарчас боғлиқ эканлигини илгари сурган. Ф.И. Буслаев эса мақолаларни халқ маданияти ва педагогика воситаси сифатида кўрган. Шунингдек, К.И. Григас, Г.Л. Пермяков, Алан Дандес ва бошқа олимлар мақолаларнинг структураси, функцияси ва маданий аҳамиятини аниқлашга катта ҳисса қўшганлар. Инглиз ва бошқа тилларда ҳам паремиялогия кенг тадқиқ қилинмоқда. Масалан, Арчер Тейлор, Волфганг Мидер, Барлетт Жер Уайтинг каби олимлар мақолларни хар томонлама ўрганишган. Шунингдек, ўзбек олимлари ҳам, жумладан Эркин Воҳидов, Гулом Мирзаев, Шоиста Саидова каби мутахассислар ўзбек мақолларининг лингвомаданий ва маданий жиҳатларини таҳлил қилишга аҳамият беришган. Бу мақолада мақоллар ва паремияларнинг тузилиши, вазифалари ва уларнинг маданиятлараро алоқалардаги роли ҳақидаги илмий тадқиқотларни умумлаштиришга бағишланган. Шу билан бирга,



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



мақолларнинг тил ўрганишдаги педагогик аҳамияти ҳам кўриб чиқилади. Мақолларни ўрганишга А.Н. Афанасьев, А.А. Потебня, Ф.И. Буслаев, К.И. Григас, Г.Л. Пермяков, А. Дандис, Х. Касарес, В.В. Гвоздев, Ю.И. Левин, В.П. Жуков каби олимлар томонидан кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Энг кўзга кўринган рус олими сифатида мақолларга бир нечта асарларини бағишлаган филолог Михаил Иосифович Шахновични аташ мумкин. Бу соҳада катта ҳисса қўшган олимлардан бири — «Ингилиз ва рус мақолларида дунё манзараси» номли китоб муаллифи Е.В. Иванова ва Д.О. Добровольский эса рус ва инглиз фразеологизмлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни ўрганган. Чет эллик тадқиқотчилар орасида эса бу масалани энг тўлиқ ёритиб берган олим - Alan Dundas. Ушбу ишлар натижасида шундай хулоса чиқарилдики, рус ва инглиз мақол ҳамда маталлари орасидаги фарқлар фақатгина маданий хусусиятлар билан эмас, балки иккинчи даражали номлаш механизмларининг мос келмаслиги билан ҳам изоҳланади.

Ўзбекистон олимлари орасида эса Эркин Воҳидов - шоир ва таржимон бўлиб, **Эркин Воҳидов: Барҳаёт, Инсон ўзинг, Мақолалар, Хотиралар, Изҳорлар**; Ғулом Мирзаев - ўзбек фольклори, хусусан мақоллар бўйича илк тадқиқотчилардан; **Ўзбек тилининг паремиологик луғати**” - Бердиёров Х., Расулов Р. (1984) С. Турсунов - миллий маданият континиумда ўзбек паремиологиясини ўрганган; Шоиста Саидова - ўзбек мақолларининг лингвوماданий жиҳатларини инглиз тили билан солиштирган; Насрулла Муртазаев - мақолларнинг маданийлараро коммуникациядаги ўрни ҳақида ёзган; Б. Матёкубов - ўзбек мақолаларининг поэтикаси ва структураси устида ишлаган; Саида Раҳимова - паремияларнинг прагматик жиҳатларини ва нутқда қўлланилишини ўрганган.

Мақол ва маталларнинг аниқ қачон пайдо бўлганини аниқлаш жуда қийин, деярли имконсиз. Аммо бир нарсани ишонч билан айтиш мумкин: мақол ва маталлар қадим замонлардаёқ мавжуд бўлган. Тилшунослик фанининг ўзида ҳам ҳозиргача мақол ва маталлар ҳақида ягона умумэтироф этилган қараш мавжуд эмас. Мақол ва матал деб, жамият орасида оммалашган ифода ва фикрларгина эътироф этилиши керак. Улар қисқа вақт ичида жамоат онгининг бир қисмига айланиши мумкин эмас. Бу эса шундан далолат берадики, мақол ва маталлар - одамлар онгида узоқ вақт давомида шаклланган қадимий ифодалардир. Албатта, бунда истиснолар ҳам учраб туради: баъзи мақоллар ва маталлар инсон онгида ғайриоддий тезлик билан ўз ўрнини топади. Аммо шундай ҳолатларда ҳам бир кунлик, яъни тез ўтиб кетадиган ифодаларни - масалан, **"I couldn't care less"** ёки **"What's the odds?"** каби ибораларни мақол ва маталлар қаторига киритиш мумкин эмас.

Аввалроқ қайд этилганидек, мақол ва матал ўртасида аниқ чегарани белгилаш жуда мураккабдир. Улар ўзаро яқин боғланган бўлиб, баъзан сўзлар тартиби ўзгариши натижасида матал мақолга айланиши ҳам мумкин. Шу сабабли, “мақол” ва “матал” тушунчаларини фарқлаш учун аввал ушбу атамаларнинг таърифларини келтириш лозим. Мақол — бу қисқа, ҳикматли мазмунга эга бўлган халқ ифодаси,



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



халқ афоризми. Матал эса — кўпроқ бадий ифодага эга бўлган, барқарор, лекин мақолдан фарқли равишда тўлиқ фикрни билдирмайдиган қисқа ифодадир. [1. Ожегов С. И., с. 524; 588]. Бундан ташқари, мақолнинг муҳим фарқловчи хусусиятларидан бири - унинг ритмик ташкил этилганлиги, кўп маъноликка эга бўлиши ва аксар ҳолларда ўхшашликка асосланган бўлиши, ҳамда ўз фикрини яқунланган хулоса орқали баён қилиши ҳисобланади. Матал эса бундай яқунланган хулосадан маҳрум бўлиб, кўпинча барқарор ибора ёки сўз бирикмасидан иборат бўлади. Мақолдан фарқли равишда, маталнинг асосий мақсади - гапга услубий ранг беришдир, ахлоқий сабоқ эмас. Шунинг учун маталлардаги ҳиссиётли ифодалар оддий ҳисобланади ва уларни кучли услубий бўёкка эга бўлмаган сўзлар билан осонликча алмаштириш мумкин. Инглиз тилидаги мақол ва маталлар ҳам жамиятнинг турли соҳаларини қамраб олиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида учрайди. Маданият ва халқнинг фикрлаш услуби (менталитет) фарқларини очиб бериш мақсадида “proverb” ва “saying” атамаларига берилган таърифларга мурожаат қиламиз: **“Proverb”** - бу ҳақиқатни англатувчи, кенг танилган қисқа ифода; **“Saying”** - бу эса мақол, матал ёки бошқа бир машҳур ибора. [2. Oxford, с. 556]. Шу тариқа, кўриниб турибдики, ушбу тушунчалар ўртасидаги фарқ жуда оз. **“Инглиз ва америкалик лингвистик адабиётда мақол ва маталлар ўртасида аниқ бир фарқ қўйилмайди”** [3. Кунин А. В., с. 381]. Мақол деб **“рифмали шаклда тартибланган, ҳикматли ва таълимий мазмундаги, афористик қисқа ифода”** тушунилади [3. Кунин А. В., саҳ. 339]. Мақолларга хос хусусиятлар - лексик таркибининг барқарорлиги ва сўзлар тартибининг ўзгармаслиги бўлиб, бу синтактик тузилиш ва ифода воситаларининг кенг қўлланилиши билан боғлиқдир.

Мақолларнинг барча тузилиш ва маъно турларини ҳисобга олган ҳолда, бундай таъриф бериш мумкин: **“Мақол - сўзлашув амалиётида барқарор равишда қўлланиладиган, ритмик жиҳатдан ташкил этилган қисқа ифода бўлиб, у ёки умумий тўғридан-тўғри маънога, ёки ўхшашликка асосланган кўп маъноли, кўчма маънога эга бўлади. Бундан ташқари, яна бир муҳим белгини қўшиш зарур: мақолнинг функционал вазифаси - гапирувчининг сўзини умумий ҳаётий воқеликлар ва ҳодисаларга таяниб, тасдиқлаш ёки рад этиш вазифасини бажаради”** [4. Аникин В. П., с. 246].

Ушбу таърифдан шундай хулоса қилиш мумкинки, **мақоллар, асосан, ҳаётда доимий равишда учрайдиган ҳодисаларни ифодалашда қўлланилади ва умумий воқеликларнинг тартибини таъкидлаш вазифасини бажаради.**

Хўш, мақол ва маталларнинг барқарорлиги ва осон эса қолишига қайси ифодалилик воситалари ёрдам беради? Улардан бири - аниқ ёки ассосли рифма ҳисобланади:

масалан:

“Little strokes fell great oaks”

“A stitch in time saves nine”



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'OYALAR



Мақол ва маталларда **оддий ва мувозанатлашган шакл** энг кўп қўлланиладиган услубий усуллардан биридир:

“More haste, less speed”

“Easy come, easy go”

“Like father, like son”

Эсда қолувчанликнинг яна бир муҳим жиҳати - мақол ва маталларнинг қисқалигидир. Кўп сўзли ифодалар жуда кам учрайди. **Аксарият мақоллар ўртача 5 сўздан иборат бўлади:**

“Boys will be boys”

“Dead men tell no tales”

“Better late than never”

Хулоса қилиб айтганда, мақолалар - халқ маънавиятининг муҳим кўзгуси бўлиб, улар орқали тарих, анъана, ахлоқ ва маданият қадриятлари авлоддан-авлодга ўтказилади. Ҳар бир жамиятнинг ўзига хос мақоллари ўзининг ўзига хос фикрлаш тарзи, менталитети ва ижтимоий муносабатларини акс эттиради. Шу сабабли, уларни ўрганиш нафақат тилшунослик, балки маданиятшунослик ва педагогика соҳаларида ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу мақолларнинг тузилиши, функциялари ҳамда уларнинг маданиятлараро коммуникация ва тил ўрганишдаги педагогик аҳамияти ўрганилади. Шу билан бирга, турли давр ва мамлакат олимларининг ушбу мавзудаги илмий ишлари таҳлил қилиниб, ўзбек маданий нуқтаи назаридан муҳим хулосалар чиқарилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ожегов С. И. Толковый словарь русского языка: Около 100 000 слов, терминов и фразеологических выражений М.: ОНИКС-ЛИТ. 2012. 1376 с.
2. Oxford Advanced Learner's Dictionary 6E 6th Edition **Varios Autores** (Author). 2000. 556 pages.
3. Кунин А. В. Учеб. для ин-тов и фак. иностр. яз. 2-е изд., перераб. М.: Высш. шк., Дубна: Изд. центр "Феникс", 1996. 381 с.
4. Аникин В. П. Русское народное творчество: учебник для вузов. М.: Высшая школа, 2009. 272 с.
5. Толковый словарь английского языка. Oxford Concise School Dictionary: 40000 слов и выражений / Дж. Хокинс, Э. Дехаланти, Ф. Макдональд. М.: Астрель, АСТ, 2008. 556 с.
6. Литвинко Ф. М. Коммуникативная компетенция: принципы, методы, приемы формирования: сб. науч. ст. / Белорус. гос. ун-т; в авт. ред. Мн., 2009. Вып. 9. 102 с.
7. Чернышов С. В. Коммуникативные умения как основа эффективной коммуникации // Иностранные языки в школе. 2014. №2. С. 22.



8. Axmedov Ikboljon. Paremiology: Enhancing Academic Insight Through Proverbs Kokand university. Ta'limda yangicha yondashuv – innovatsiya sari qo'yilgan qadam. 2024. B.768-773.

9. Taylor, A. (1931). The Proverb. Harvard University Press. (Archer Taylor's seminal work provides a foundational understanding of proverbs, emphasizing their form and function as carriers of cultural wisdom and critical thinking tools in both social and academic contexts).

10. Amanullaeva Kamola Muminovna. National concepts and their literary representation in Haruki Murakami's novel "IQ84" Wschodnioeuropejskie Czasopismo Naukowe (East European Scientific Journal) № 9(25), 2017.

<https://sciencescholar.us/journal/index.php/ijhs/article/view/11004>

11. Амануллаева Камола Муминовна. Художественный концепт и специфические характеристики его воссоздания, Хорижий филология №4, Самарканд. СамДЧТИ. 2020, Б.53-57. https://inlibrary.uz/index.php/foreign_philology/article/view/1579

12. Amanullayeva Kamola Muminovna, Universal concept as structural farmotion of the component of Haruki Murakami's novel "Kafka on the Shore" Jour of Adv research in Dynamical & Contol Systems, Vol. 12, Issue- 2020, Scopuc, Б.1117-1121. <https://sciencescholar.us/journal/index.php/ijhs/article/view/11004>

13. Амануллаева Камола Муминовна. О художественном концепте и в целом, Россия и Узбекистан Международные образовательные научные и социально-культурные технологии: векторы развития. Челябинск-Ташкент-Бухара-Самарканд 2020. Б.271-272.

14. Amanullayeva Kamola Muminovna. The role of translation in science. Texas Journal of Philology, Culture and History. 2023, 60-62 p.

15. Amanullayeva Kamola Muminovna. The concept of translation and characteristics of fetures. Information Horizons: American Journal of Library and Information Science. 2024, 63-66 p.

16. Nasrullayeva Tozagul Suxrobovna, Amanullayeva Kamola Muminovna. Peculiarities of translation of Technical Terms, Concepts and Rendering articles in technical translation. American journal of social and humanitarian research, 2023. –С.29-33.

17. Kubayeva Nafisa, Amanullayeva Kamola. The problem of teaching students lexical and phraseological features in translation studies of phrasel verbs in English and Uzbek languages. Eurasian journal of academic research. 39-42 p. <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/37844>

18. О.А.Алижоновна, К.М.Амануллаева, М.Б.Аскарова. Исползования термин концепт в лингвокультурологии. Вестник магистратуры. 2024. №12-2 (159) С.76-78

19. К.Амануллаева, О.Алижоновна. Роль лингвокультурологии в лингвистике. Ijtimoiy-gumanitar va tabiiy fanlardagi an'anaviy va zamonaviy yondashuvlar dialektikasi. Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman. 27-Fevral, 2025. С.324-325.

18. <https://maqollar.uz/cards/9>